

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҶА РИВОЖИ: ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ

Журабоев Носир Юсупович

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
доценти

Ҳасанов Миршод Нўъмонович

Тошкент давлат транспорт университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамиятнинг муҳим соҳаси саналган ижтимоий соҳа ривожини масалаларига бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистонда бу борада амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари хусусида мулоҳазалар юритилган. Мақолада ҳозирги мураккаб вазиятда давлат ижтимоий сиёсатидаги назарда тутилган зоят муҳим вазифаларни самарали ҳал этишга доир чора-тадбирлар натижалари ва соҳага оид муаммоларнинг кўлами статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, ислоҳотларнинг натижаси улароқ аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар, аҳоли даромади ва ишсизлик масалалари, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар, камбағалликни камайтириши ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиши тизимида амалга оширилган ишлар кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: *ижтимоий соҳа, давлат сиёсати, Ҳаракатлар стратегияси, аҳоли бандлиги, ислоҳот, аҳоли даромади, камбағалликни камайтириши ижтимоий ҳимоя.*

ABSTRACT

The article focuses on the development of the social sphere, which is an important sector of society. The reforms carried out in Uzbekistan in this area and their results were discussed. The article analyzes the results of measures to effectively address the most important tasks of public social policy in the current complex situation and the scale of problems in the field on the basis of statistical data. As a result of the reforms, changes in the living standards of the population, income and unemployment issues, measures to eliminate them, poverty reduction and the work done in the social protection system were also highlighted.

Keywords: *social sphere, public policy, Action strategy, employment, reform, income, poverty reduction, social protection.*

КИРИШ

Жамиятнинг тўртта соҳаси мавжуд, булар: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий. Ана шулар ичида ижтимоий соҳа – бу аҳолининг асосий ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилувчи тармоқлар мажмуи сифатида қамрови жиҳатдан ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Бу соҳа болалар ва катталарни ўқитиш, тиббий ёрдам, маданий ва спорт билан шуғулланиш, ёшларнинг ижтимоийлашуви ва бошқа шу каби кенг қамровли жиҳатлари билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам ижтимоий соҳани тадқиқ этиш долзарб масала сифатида доимо амалий касб этади. Бу соҳага нисбатан эса турли даврларда турлича муносабатда бўлиб келинган. Бироқ бу соҳа ҳамма даврда динамик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда бу соҳага мустақилликнинг дастлабки, йиллариданоқ давлат сиёсатнинг асосий диққат марказидаги соҳа сифатида эътибор қаратилиб келинган. Бироқ сўнгги йилларда Ўзбекистонда ушбу соҳага нисбатан муносабат янгича мазмун касб этиб, уни янада ривожлантириш бўйича амалий аҳамият эга туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ўзгаришларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда институционал асос сифатида хизмат қилиб келаётганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур фармонда ижтимоий соҳани ривожлантириш тўртинчи устувор йўналиш сифатида кўрсатилган бўлиб, унга кўра “Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш”, “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш”, “Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш”, “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш”, “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”[1] каби вазифалар белгиланиб, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда. Биз мазкур мақола доирасида ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон - ижтимоий соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари тўғрисида мулоҳаза юритмоқчимиз. Негаки, бу ўзгаришлар туфайли бугунги кунга келиб, одамлар дунёқараши ҳам ўзгариб, ижтимоий онгда ҳам позитив эврилишлар содир бўлмоқда. Шу боисдан ҳам

мақоламизда улардан муҳим дея эътироф этилган айрим жиҳатлари тўғрисида муносабат билдирмоқчимиз.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий сиёсати жуда кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, жумладан, аҳоли даромадларини тартибга солиш, иш билан таъминлаш ва янги меҳнат муносабатларини шакллантириш, аҳолининг айрим тоифалари ва гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим ва бошқалар. Шу боисдан ҳам мазкур мақоланинг тайёрлашда Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар, хусусан қабул қилинган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий соҳага таллуқли бўлган қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар методологик асоси сифатида олинди. Шунингдек Президентнинг Ш.Мирзиёев томонидан соҳа ривожига доир концептуал ғоялар мафкуравий асос сифатида контент таҳлил этилди. Жумладан, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли фармони, 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4804-сонли Қарори, 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармони ва бошқа шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мақолани тайёрлаш жараёнида масалалар моҳиятини очиш учун кўмаклашувчи институционал асос сифатида фойдаланилиб, структуравий-функционал жиҳатдан ёндашилди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Ижтимоий соҳада “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан бири “Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш” бўйича энг муҳим институционал асоси яратилди. Аҳолининг самарали меҳнат қилиши, моддий манфаатдорлигини ошириш учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Зеро, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг

бандлигини таъминлаш фуқаролар турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боисдан ҳам 2020 йил 20 октябрда 123-моддан иборат Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли Қонунинг қабул қилинишини муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этиш ўринлидир. Мазкур қонуннинг 6-моддаси аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

“иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;

ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш”[2] кабилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур қонун амалдаги 3 та қонун, Президент Ш.Мирзиёевнинг 12 та фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларга оид қабул қилган 40 дан зиёд меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни, тизимдаги сўнгги ислоҳотларни, янги молиявий механизмларни ўзида жамлаганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Профессор Қ.Абдурахмоновнинг қайд этишича, “Ўзбекистонда демографик вазият соғлом бўлиб, аҳоли ҳамда иқтисодиёт бир-бирига мутаносиб ўсмоқда. Агар туғилиш кўрсаткичлари 2030 йилгача ҳозирги суръатда сақланиб қолса, меҳнат бозорига ҳар йили 710-720 минг нафар йигит-қиз кириб келади. Ўз навбатида, 230-240 минг киши пенсия ёшига етади[3]. Шу

маънода, йигит-қизларни ишга жалб қилиш чора-тадбирларини hozirdanoq кўриш долзарб аҳамиятга эга.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда “**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги ПФ-6012-сонли фармонида “Кам таъминланган oilalar, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича концепция қабул қилиниб, унинг мазмунида oilaviy можароларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари”[4] кўрсатиб ўтилган.

2020 йил ҳолатига кўра республикада **8 млн 200 минг оила** мавжудлиги қайд этилган бўлиб, 2020 йилда ажрим ёқасига келиб қолган oilalar сони 13865 та бўлиб, уларнинг 60 фоизи – 7943 тасини яраштиришга эришилган. Oilaviy ажримларнинг ҳар учтадан биттаси никоҳнинг дастлабки ўн йили ва ундан ортиқ бўлган даврга тўғри келмоқда. Oilaviy ажримларнинг сабаблари ўзаро муносабатлар (50-60 фоиз ҳолатда), моддий етишмовчилик, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, oilaviy муносабатларга ота-она ва бошқа қариндошларнинг ноўрин аралашуви, эр ва хотин характерининг ўзаро мос келмаслиги, улардан бири зарарли одатларга (ичкилик, гиёҳвандлик ва ҳ.к) ружу кўйиши эканлиги аниқланган[5]. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 125 мингдан ортиқ боқувчисини йўқотган oilalar мавжудлиги қайд этилган [6]. Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида муаммо ва камчиликлар эътироф этилиб, уларни бартараф этиш бўйича самарали механизм жорий этишга уринишлар яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 824-сон қарорига асосан: “oilalarдаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш бўйича тутинган ота-оналарнинг касбий билимлари, қобилиятлари ва кўникмаларини ошириш; oilalarдаги маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш бўйича тутинган ота-оналарнинг касбий билимлари, қобилиятлари ва кўникмаларини ошириш; оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш

тизимини такомиллаштириш”[7] бўйича ҳам чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистонда охириги уч йил мобайнида камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли жон бошига реал жами даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди. Жаҳон банкининг “Ўзбекистон фуқароларини тинглаб” лойиҳаси доирасида, уй хўжаликлари орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойлари учун ўртача камбағал хонадоннинг ойлик даромади тахминан 1,5 миллион сўмни ташкил этиб, таққослама нархларда бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоизга ошган[8]. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев камбағалликни бартараф этиш муаммосини **стратегик вазифа** сифатида 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари суриб, “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”[9], дея таъкидлади. Иқтисодиёт қонунларига асосан, “камбағаллик камбағалликни келтириб чиқаради”. Мазкур жараён бир неча сабабларга кўра содир бўлади.

Биринчидан, даромадлари паст мамлакатлар сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш учун етарлича пул сарфлай олишмайди, камбағал аҳоли эса сифатли пуллик таълим ва тиббиёт хизматларга қурби етмаслиги сабабли инсон салоҳияти пасайиб, камбағалликдан қочиб қутула олмайдилар.

Иккинчидан, камбағал аҳолининг даромадлари пасайиб борган сари, истеъмол бозорининг сиғими мутаносиб равишда кичрайиб боради ва бунинг натижасида саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва айниқса, хизматларга бўлган талаб пасайиб боради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, бюджет даромадларини камайтиради ва камбағалларни ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш имкониятини камайтириб ёпиқ циклик жараён кўринишига келади.

Учинчидан, аксарият ҳолларда камбағалларнинг дунёқараши даромад юқори бўлганлардан фарқ қилади. Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, улар орасидан ижодкор ва тадбиркорлик қобилиятига эга инсонларнинг етишиб чиқиши эҳтимоли камроқ. Шунингдек, одатда камбағал оила аъзолари орасида жинойатчилик кўрсаткичлари нисбатан юқорироқ бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар мамлакатда инсон салоҳиятини ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири илм-фанни ривожлантириш борасида ҳам изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Президент фармонида қабул қилиниши мазкур соҳа ривожини учун муҳим институционал асос сифатида хизмат қилмоқда. Унга кўра: “2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш белгиланган”. Шунингдек, илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш; 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонида юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш”[10] каби вазифалар белгиланган вазифалар бўйича изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда [11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,].

ХУЛОСА

Шу муносабат билан, ҳозирда шиддат билан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тадбирларини келгусида янада оптималлаштириш бизнинг устувор вазифамизга айланмоғи даркор. Бу борада:

биринчидан, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд дастур ва жамғармалар тизимини тубдан такомиллаштириш;

иккинчидан, ижтимоий ҳимоя тизимларини янги тармоғини яратиш, жумладан мактаб таълимида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчилар учун ҳимоя дастури **“Protect and care”** тизимини яратиш;

учинчидан, ҳудудлардаги мавжуд моддий-техник имкониятларни инобатга олиб, мактаб таълимини рақамлаштириш;

тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида касалликлар профилактикаси бўйича алоҳида **“Prevent disaster”** корпусини ташкил этиш;

бешинчидан, ҳар йили республика доирасида ижтимоий кўнгилли саховат дастурларини ташкил этиш;

олтинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги негизида ҳунар ўргатиш марказларининг алоҳида бўлимини ташкил этиш;

еттинчидан, аҳолига тиббий суғурта хизматларини кўрсатувчи суғурта ташкилотларини соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан мустаҳкам алоқасини таъминлаш ва улар ўртасида ягона электрон портал тизимини йўлга қўйишдан иборат бўлган вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони-www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли Қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020 й., 03/20/642/1396-сон - <https://lex.uz/docs/5055690>
3. Абдурахмонов Қ. Аҳоли бандлиги ва ижтимоий фаоллик.- <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10649-a-oli-bandligi-va-izhtimoij-faollik>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармони- <https://lex.uz/docs/4872355>
5. <https://kun.uz/news/2020/06/25/oilaviy-ajrimlar-soni-otgan-yilgiga-nisbatan-kamaydi-vazirlik>
6. <https://uza.uz/uz/posts/ma-alla-va-oilalarga-k-maklashish-b-yicha-shimcha-vazifalar--18-03-2020>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини

такимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори-Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/824/3835-сон; 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон.

8. Ҳақимов О. «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги муаммоларни айнан қўлда бошқариш режимида ҳал этишга тўғри келмоқда» - <https://kun.uz/news/2020/08/11/aholini-ijtimoiy-qollab-quvvatlash-tizimidagi-muammolarni-aynan-qolda-boshqarish-rejimida-hal-etishga-togri-kelmoqda-obid-hakimov>

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси - <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

10. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

11. М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

12. Раҳимова, М. И., & Ҳасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.

13. Salimov Baxriddin Lutfullaevich Tabiat va jamiyatning hayot yo'li baxtsiz hodisalar va zarurat zanjiridan iborat // Kollokvium-jurnal. 2020 yil. 24-son (76). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhiznenny-put-prirody-i-obschestva-sostoit-iz-tsepi-sluchaynostey-i-neobhodimostey> (kirish sanasi: 28.06.2022).

14. Salimov, B. L. (2021). THE PHILOSOPHICAL ROLE OF DIALECTICAL CATEGORIES IN HUMAN LIFE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.

15. Lutfullaevich, S. B. (2021, October). Случайность Связана С Существующими Условиями Или Является Результатом Их Взаимоотношений. In " *ONLINE-CONFERENCES*" PLATFORM (pp. 175-177).

16. Jurabayev, N. (2022). PRIORITIES FOR IMPROVING THE POSITION AND IMAGE OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL RANKINGS AND INDICES. *Thematics Journal of History*, 8(1).

-
17. Nasirjan Jurabayev. (2022) UZBEKISTAN IS AT THE STAGE OF IMPORTANT STEPS IN THE INTERNATIONAL RANKING // International Conference EUROPE, SCIENCE AND WE EVROPA, VĚDA A MY EBROPA, НАУКА И МЫ. 2022 Praha, Czech Republic Conference Proceedings. – P. 47-51.
18. Juraboev, N. (2021). Genesis of the Concept of Innovation and Its Analysis. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 257-260.
19. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.